# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 21 FEVRAL, JUMA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№24 (6.549). Sotuvda erkin narhda


## БУГУНГИ СОНДА


ҲИЙЛАГАР "ИШ БЕРУВЧИЛАР" (1-2-саҳифаларда)

ҚАНОАТСИЗЛИК ФОЖИАГА ЕТАКЛАДИ



(4-саҳифада)

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛДИ, АММО СИНМАДИ (1-2-саҳифаларда)


### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● 19 февраль куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди.

● Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида қилган маърузасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз пойтахтида «Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг 2002 йилги иш фаолияти ва жорий йилдаги вазифаларига оид масала муҳокама қилинди.

● Солиқ ва божхона органлари академиясида солиқ хизмати органлари раҳбарлари иштирокида семинар ташкил этилди.

● «Жиззах отчопари» акциядорлик жамияти ҳузурида болалар ва ўсмирлар от спорти мактаби ташкил этилди.

● Ўзбекистон Фанлар академияси ва қатор соҳалар вазирликларида семинарлар туркуми бўлиб ўтди ҳамда уларда 2003 йилда илмий-тадқиқот ишлари дастурлари ва инновация лойиҳаларини шакллантириш якунлари кўриб чиқилди, давлат грантлари соҳибларининг номлари эълон қилинди.

● Тошкент Давлат аграр университетида мамлакатимиз ўрмончиларининг семинар-мунозараси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Наманган вилояти филиали томонидан ушбу йўналишда босқичма-босқич ишлаш дастури ишлаб чиқилди. Мазкур ҳаракатга 840 минг нафардан ошиқ бола жалб қилинади.

● Бухоро вилояти Маънавият ва маърифат марказида вилоят туманларидаги болалар ижодиёти уйлари ва мактаб ўқувчиларининг фото ва кино соҳасида яратган асарлари танлови ўтказилди.



Шарофат Қосимова кўп йиллардан буён Сирдарё вилоят пахтани қайта ишлаш корхонасида меҳнат қилиб келаётир. У ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан жамоа ўртасида обрў қозониб, корхонанинг иқтисодий юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

СУРАТДА: Ш.Қосимова.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## КЎКЛАМГИ ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

***Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманининг Йўлдош Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигида бўлиб ўтган йиғилишда вилоятда кўкламги экиш мавсумига тайёргарликнинг боришига оид масалалар муҳокама этилди. Унда туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, ширкат хўжалиги раислари, МТП мутасаддилари ҳамда тегишли ташкилот вакиллари иштирок этди.***

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Табиат инжиқликларига қарамай, ўтган йили мамлакатимизда беш ярим миллион тоннага яқин дон етиштирилди. Чорвачилик соҳасида ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Хусусан, соҳанинг рентабеллик даражаси 18-20 фоизни ташкил этди. Натижада бозорларимизда гўшт ва сут маҳсулотлари кўпайди. Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ҳам қишлоқ хўжалиги тизимини янгилаш ва ривожлантириш борасида танланган ислоҳотлар стратегияси ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Айни пайтда маърузада соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммолар кўрсатиб ўтилиб, уларни ҳал этишнинг йўллари белгилаб берилди.

Ўтган йили республика бўйича 320 минг гектар ерга плёнка остига чигит қадалган бўлса, шунинг 24 минг гектари Тошкент вилоятига тегишли. Аммо агротехника талабларига риоя қилинмай қадалган чигитни бегона ўт босиб кетди. Пахтакорлар бу усулда экилган пахтадан яхши ҳосил ололмади. Оқибатда йиллик шартнома-режа бажарилмади.

Шу пайтга қадар вилоят бўйича 119 минг гектар ер шудгорланиши лозим эди. Лекин бу режа тўлиқ бажарилмаган. Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики, вилоят бўйича беш минг гектарга яқин майдон чала ярим ҳайдалган.

Йиғилишда бу йил чигитни кечи билан 20 апрелгача экиб тугатиш, барча техника мосламаларини тўлиқ таъмирдан чиқариш, экилган ғалла майдонларини қисқа вақт ичида тозалаб, озиқлантириш ва суғориш ишларини якунлаш борасида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

## ПУЛ ТОПИШНИНГ ОСОН ЙЎЛИМИ?

***Метрода одам гавжум. Ҳамма қаергадир ошиқмоқда. Йўловчилар толиқиб кетаётган бўлсада атроф ғала-ғовур. Қизлар билан гаплашиб, кулишиб турганимизда ёнимизга ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги туппа-тузук кийинган ойдеккина бола келиб "гап отди".***

-Яхши қиз, йигирма беш сўмингиз борми?

Ҳайрон бўлиб бир-биримизга қараб қолдик.

-Йўқ, умуман пулимиз йўқ, - дея жавоб қайтарди орамиздаги шаддодроқ бир қиз.

-Илтимос, йигирма беш сўмгина беринг, қорним оч, нон оламан, - деди бола йиғламсираб. Унинг бу аҳволига кулишни ҳам, куйишни ҳам билолмай қолдик. Шу пайт кимдир ўзини тутолмай кулиб юборди.

Бу унга ёқмади. Бизларни сўкиб, метродан қувиб чиқармоқчи бўлди. Кайфиятимиз тушиб кетди, ҳамманинг нигоҳи бизда эди. Боладан нари кетиб, уни кузата бошладик. Бу пайтда у бошқа кишининг ёнига бориб тиланаётганди...

Мен бу болани жуда кўп кўрганман. Кўриниши бинойидек. Фақат ақли бироз заифроқ эканлиги билиниб туради.

Ўйланиб қоламан, шу боланинг ҳам ота-онаси ёхуд қариндошлари бордир. Наҳот улар ўз жигарбандларини кўчакўйда хор-зор қилиб ташлаб қўйишган бўлса? Тавба, уни агар ғирт етиммикан десангиз, ота-онали болалардан ҳам яхши кийиниб юради.

Умуман айтганда, бу каби манзараларга пойтахтимизда тез-тез дуч келишимиз мумкин. Жамоат транспортига чиқиб, ота-онаси ўлганини ёхуд ташлаб кетганини пеш қилиб садақа сўраётган, пул бермаганларнинг таъбини хира қилаётган болалар ҳақида ҳам кимдир қайғуриши керак-ку, ахир!

Ўқиш ёки ишлаш ўрнига тиланчилик қилиб юрган бу каби болалар наҳот тирикчиликнинг шундай аянчли йўлини танлаган бўлишса? Интизом посбонлари уларни фақат сўкиб-сўйлаб ҳайдашни билишади, холос. Менимча, мутасадди идоралар, хусусан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги вакиллари ана шундай қаровсиз болалар тақдирига бефарқ қарашмаса, тушунтириш ишларини олиб боришса, ҳеч кими йўқ бўлса, уларни меҳрибонлик уйларига жойлаштиришга кўмаклашишса, кўчаларимизда бу каби нохуш манзараларга камроқ дуч келармидик?

**Дилноза ҚУРБОНОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

## ЎЗГАНИНГ ШЎРВАСИ ТАТИМАС

***Яқинда бир акамизни кўргани Мирзачўл туманига бордим. Гурунглашдик. Суҳбат чоғида илтимос қилди.***

-Ўғлим ишсиз қолди, Тошкентга олиб кетсанг, бирор иш топар. Ахир пойтахтда имконият кенг-да.

-Бозорда эди чоғи, туппа-тузук ишлаётганди.

-Ёшлик қилиб ҳужжатсиз буюмлар олиб келган экан. Солиқчилар олиб қўйишди. Илгари индашмасди-да, энди рухсат йўқ.

-Ҳужжат билан ишласин.

-Унга катта пул керак. Умуман олганда, бошқа иш қилса ҳам бўларди. Тўқимачилик бўйича дипломиям бор. Аммо бизда унақа корхона бўлмаса. Олдимда юравер десам, қўлида пул юрган йигит, бекорчиликдан ёмон одамларга қўшилиб кетадими, деб қўрқаман.

Ҳаётнинг пасту баландини биладиган бу инсон билан узоқ суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, озми-кўпми турли хил маҳсулотлар, буюмлар чегара орқали бу ерга ҳам кириб келаяпти. Нега? Чунки вилоятда бу маҳсулотларни ҳам сифатли, ҳам арзон қилиб ишлаб чиқарадиган корхоналар деярли йўқ ҳисоби. Одамлар билан суҳбатлашсангиз, ишга кирсам дейди. Аммо улар ишлайдиган корхонанинг ўзи йўқ. Одамлар оддий болалар туфлиси, ё латтапутта учун 70-80 километр йўл босиб марказга боришга мажбур.

Бундан бир неча йил илгари Форишда жунни қайта ишловчи корхона очилганди. Эътиборсизлик оқибатида тўхтаб қолди. Арнасойдаги ишлаб чиқариш, деб тилга олгулик якка-ю ягона паррандачилик корхонаси бугун таназзулга юз тутган. Илгари қўшни туман бозорларини ҳам шу корхона тухум ва парранда гўшти билан таъминларди. Энди эса йўқ. Зафарободлик раҳбарлар эса ҳозирча истеъмол бозорини тўлдириш ҳақида кўпам ўйлаганлари йўқ. Таассуфки, шунга ўхшаш ҳолатни республикамизнинг кўпчилик туманларида кузатиш мумкин. Раҳбарларда эса амалий таклифга нисбатан баҳона кўп; маблағ етмаяпти, чеккадамиз, имконият бўлмаяпти ва ҳоказо...

Бугун ҳар куни сифатсиз, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ва уларни чегараларимизда тўсиб қолинаётгани ҳақида гапираяпмиз. Айбдорлар жазоланмоқда, яроқсиз товарлар олиб қўйилаяпти. Бу ишга минглаб кишилар жалб этилган. Асаббузарлик, тушунмовчиликни айтмайсизми. Аммо бу билан ноқонуний импортни жиловлаб бўладими? Ахир сифатсиз маҳсулотларнинг бозоримизга, ундан сўнг хонадонимизга кириб келиши ҳам давлатга, ҳам ҳамёнга зарар-ку?!

Қўшни маҳалладами ё туман марказидами туфли тикадиган, газлама, устки кийимлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ишлаб турсаю керакли буюмни югуриб бориб олиб келсангиз. Ручка, қалам, дафтар ёки чегарани "менсимай" кириб келаётган маиший электротехника буюмларини ишлаб чиқариш учун кўп нарса керакми? Ва яна бир ачинарли ҳолат. Нега мавжуд корхоналаримиз бозоримизни тўлдира олмаяпти?

Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида "Ўзимизнинг ташкилот ва корхонала-

БУГУННИНГ ГАПИ

римиз нима қилаяпти, уларнинг истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун масъул раҳбарлари нима билан банд?", - дея куйиниб гапирдилар.

"Бош прокуратура томонидан тикувчилик саноатига қарашли "Юлдуз" ва "Малика" корхоналари текширилганда кишининг ғазабини қўзғайдиган хўжасизлик, мулкни талон-торож қилиш ва ўзлаштириш, бино ва дастгоҳларни арзимаган пулга ижарага бериш, яширинча ҳисоботга кирмаган маҳсулот ишлаб чиқариш (шахсий фойда учун, албатта), нархларни сунъий равишда ошириш билан боғлиқ кўпгина салбий фактлар аниқланди", деди Президентимиз ўз нутқида.

Бугун ҳукуматимиз маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор бермоқда. Корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, вилоятларда филиаллар очиш, маҳсулотини экспорт қилиш, маркетинг хизматини йўлга қўйиш борасида катта имтиёз ва эркинликларга эга. Афсуски, кўпчилик корхоналар бу имкониятлардан оқилона фойдалана олмаяпти. Шу боис "Юлдуз"нинг бундан бир неча йиллар илгари севиб харид қилинган костюмлари, "Малика"нинг бежирим буюмлари кўринмай қолди. Бу корхоналар раҳбарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозорни эгаллаш ўрнига жиноятга қўл урса... Буни нима деса бўлади?

Пойафзал, маиший электротехника буюмлари ишлаб чиқариш тизимида ҳам муаммолар талайгина. Ваҳоланки, бугунги эркин бозор иқтисоди шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали мўмайгина фойда олиш мумкин. Қолаверса, ҳам давлат, ҳам корхона наф кўрадиган солиқ тизимига эгамиз.

"Қотиб қолган раҳбарларни уйғотиш, уларнинг астойдил ишлаши учун айтинглар, яна қандай шароит яратиш керак?" Президентимизнинг куюнчаклик билан айтган бу сўзлари нафақат корхона раҳбарларини, балки ўзи бош бўлган туманда, вилоятда тузукроқ ишлаб чиқариш корхонаси бўлмаган ҳокимларни ҳам хушёр торттириши керак. Келинг, биз юртимизга турфа хил маҳсулотни эмас, уни ишлаб чиқараётган, яратганда ҳам дунёни қойил қолдираётган сармоядорлару мутахассисларни ҳурмат билан таклиф этайлик. Забардаст олимлар билан елкадош бўлиб имкониятимиз, шароитимизни уларга кўрсатайлик. Боримизни шундай кўрсатайликки, у ўзбекнинг дилига, дидига, жаннатга менгзагулик табиати, тупроғига ошно бўлиб қолсин. Ана шунда кўп нарсага эришамиз чоғи. Ва яна...

Чўлдан қайтаётганимда бир нуроний шундай деди:

-Сув пастга, бўшлиққа оқади. Товар ҳам, маҳсулот ҳам шундай. Президентимиз тўғри айтдилар, биз кимнингдир молига, буюмига эҳтиёжманд бўлиб қолмаслигимиз керак. Бунинг учун эса нафақат шаҳарда, балки қишлоқда ҳам саноат ривожланиши, раҳбарларимиз ана шуни ўйлаши лозим. Бу минглаб кишиларга иш жойи дегани. Ана шунда ёғочнинг бўшини қурт егандай бош қашлаб, норози қиёфада бозорга қараб нолож ўтирмаймиз.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ.**

## "ХАТТИ БОБУРИЙ" ЖУМБОҒИ

***Бобурнинг илмий-ижодий мероси – тўлиқ бўлмаган девони, ислом дини асослари ҳақидаги "Мубаййин" номли шеърий рисоласи, Хожа Аҳрор қаламига мансуб "Волидия" асарининг шеърий таржимаси ва албатта "Бобурнома" асари ҳануз шарқ ва ғарб тадқиқотчилари томонидан изчил ўрганилиб келинмоқда.***

МОЗИЙ

Бобурнинг бебаҳо дурдоналаридан бири шубҳасиз "Хатти Бобурий"дир. У Бобур ихтиро қилган хат тури бўлиб, кўплаб олимлар эътиборини жалб этиб келган. Бироқ уларнинг ҳеч бири "Хатти Бобурий"нинг шакли ва унинг бошқа сифатлари тўғрисида аниқ маълумот бериш ёки бу масалага охирги нуқтани қўйиш бахтига муяссар бўла олмаган. Шунинг учун бўлса керак "Хатти Бобурий" тадқиқотчилар учун ҳануз жумбоқ бўлиб келмоқда.

Яқинда илмий ишимга доир маълумотлар билан танишиш жараёнида "Хатти Бобурий" тўғрисидаги бир мақолага дуч келдим. Мақола афғонистонлик тарихчи олим Абдулҳай Ҳабибий қаламига мансуб бўлиб, Қобулда, форс тилида чиқадиган "Ориёна" журналининг 1970 йил 5- сонида чоп этилган.

Мақоладаги маълумотлар эътиборимни тортганлиги сабабли бобуршунос олим Насрулло Расулзода билан суҳбатлашдим ва уни мақола билан таништирдим. У 1993 йил октябрда Эрон Ислом Жумҳуриятининг Машҳад шаҳрига илмий сафари чоғида Имом Али Ризо мақбарасида Қуръони Каримнинг нодир ва қадимий қўлёзмалари сақланадиган кутубхонада "Хатти Бобурий"да босилган Қуръон нусхасини кўрганлигини айтди. Унинг сўзларига қараганда бу "Хатти Бобурий"да кўчирилган мусҳафнинг Машҳаддан топилиши, умуман, "Хатти Бобурий"нинг шакли тўғрисидаги дастлабки маълумот экан.

(Давоми 4-бетда)

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Дорис ЛЕССИНГ

## АФСУНГАР

***Кичкинтой Тедди туғилгунга қадар Фаркварлар хонадонида гўдак йиғиси эшитилмаганди.***

Ҳатто ферма хизматчиларининг ҳам малла сочли, мовий кўз чақалоқни кўриб кетиш учун қушчалар, тухум ва гуллар кўтариб келишгани эр-хотиннинг кайфиятини янада кўтариб юборди. Улар Фарквар хонимни гўёки мислсиз қаҳрамонлик кўрсатгандек, жўшқин қутлашар, хоним ҳам қаддини ғоз тутганча, мамнуният билан жилмайиб турарди.

Теддининг сочларини илк бор қисқартиришганда ошпаз Гидеон полга тушган майин олтинранг толаларни авайлаб қўлига олди ва болакайга табассум билан термулиб деди:

-Олтин бош!

Шундан бери маҳаллий кишилар болани шу ном билан чақира бошладилар. Гидеон ва Тедди тез орада иноқлашиб кетишди. Гидеон ишларини битириши билан Теддини елкасига миндириб катта дарахт остига олиб борар ва у ерда болани ўйнатиб юрарди. У Тедди учун шоҳдан, барглардан ва ҳар хил ўтлардан кулгили ўйинчоқлар ясаб берар, қум устида турли ҳайвонларнинг шаклларини чизиб кўрсатарди.

Тедди улғая бошлагач, Гидеон унинг қўлчаларидан ушлаб юрғиза бошлади. Болакай ошпазнинг етовида атак-чечак қадам ташлар, чарчаб қолса, Гидеон уни кўтариб осмонга отар ва чаққонлик билан илиб олар, бундан икковлон ҳам завқланиб қиқир-қиқир кулишарди. Фарквар хоним ўғлини жонидан ортиқ яхши кўрадиган хизматкорни айнан шунинг учун ҳам қаттиқ ҳурмат қиларди.

(Давоми 4-бетда)

## СОЛИҚЧИНИНГ ХАТОСИ

***Косонсойдан Чустга томон кетган катта йўлнинг қоқ ёқасида, поёни йўқ қир-адирлар бағрида "Шарқ юлдузи" деб номланган кўп тармоқли хўжалик бор.***

ҲУҚУҚ

Кўп тармоқли деганимиз боиси шуки, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компаниясига қарашли бу хўжалик асосан узумчиликка ихтисослашган. Бироқ ҳозир биттагина соҳанинг этагини тутадиган пайт эмас. Уддабурон, тадбиркорлар замони. Табиийки, мазкур хўжалик жамоаси ҳам узум билан кифояланмай, даромадни кўпайтириш илинжида адирлар орасидаги бир қисм ерига пахта ҳам экади, ғалла ҳам. Озроқ чорваси, узумни қайта ишлайдиган чоғроқ корхонаси ҳам бор.

Бой ҳам, жа унчалик камбағал ҳам эмас. Ўзига яраша. Масалан, ўтган йили токзорлар кутилган ҳосилни бермади. Режадаги 2500 тонна ўрнига 1284 тонна узум етиштирилди. Аммо ғалла, пахта режалари 111-114 фоизга бажарилди. Асосий тармоқда кўзланган натижага эришилмагани боис 10 миллион 121 минг сўм ўрнига 3 миллион 335 минг сўм соф фойда олинди, холос. Рентабеллик бор-йўғи 2,2 фоизни ташкил этди...

Шу ерда бироз ортга чекинишга тўғри келади.

2000 йилнинг 8 август куни ширкат раҳбарлари хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Беларусь Республикаси Брест вилояти Баранович шаҳридаги "Маяк" кичик корхонаси билан товар айрибошлаш ҳақида шартнома тузишди. Унга кўра хўжалик "Маяк" кичик корхонасига 100 тонна, умумий қиймати 48000 АҚШ долларига тенг хўраки-пушти тоифи навли узум етказиб бериши, "Маяк" бунинг эвазига "Шарқ юлдузи"га 360 дона ҳар хил автомашина ва қишлоқ хўжалик шиналари, 2 тонна электрод, 1 дона МТЗ трактори етказиб бериши керак эди.

(Давоми 2-бетда)

ФЕЛЬЕТОН

## МИЛЛИОНЕР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

***Кунлардан бир кун уйимга қишлоқдан жияним келиб қолди:***

***-Тошкентда ишламоқчиман.***

-Яхши жиян, орзуга айб йўқ. Ким бўлиб ишламоқчисан? Қўлингда бирон бир касбинг бўлмаса. Ҳеч жойга ишга киролмайсан-да.

-Э, бу ерда касб-корнинг кераги йўқ экан-ку. Ишонмасангиз, мана (чўнтагидан қоғоз чиқарди). "Келажаги бор бизнес. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишилар ойига 450-500 минггача топиши мумкин", деб қўйибди.

-Буни қаердан олдинг?

-Метродан чиқаётганимда бир йигит ҳаммага тарқатаётган экан, мен ҳам олдим.

Жияним жуда қайсар, айтган гапида туриб олади. Ҳа, майли, шу йигитнинг сазаси ўлмасин, дея кўрсатилган манзилга йўл олдик. Қўлидаги қоғозга қайта-қайта кўз югуртиради.

-Қаранг, Николай Николаевич деганлари ҳақиқий бизнесменга ўхшайди. "Ўн бирдан ўн дақиқа ўтганда кутаман" деб ёзиб қўйибди. Яна Америка корпорацияси вакили эмиш.

"Минг эшитгандан, бир кўрган афзал", деган гап бор. Тишимни-тишимга қўйиб, индамай кетаяпман. Ниҳоят, кўрсатилган манзилга ҳам етдик. Жияним-га ўхшаб миллионер бўлишни хоҳлаганлар дарвозанинг очилишини кутиб турибди. Ҳамма соатга қарайди. Ўн бирдан ўн дақиқа ўтишига ўн дақиқа қолган. Ҳамма безовта, дақиқалар йилларга тенглашган гўё.

(Давоми 2-бетда)


КЕЛГУСИ СОНДА:

БАНК ТАДБИРКОРНИ АЛДАСА...

БЕМЕҲР

ҚАНТАР ОҒДИ, ДАЛА ЧОРЛАЙДИ




## "БИРГА УХЛАГАНМИЗ"

***Бу воқеа анча йиллар олдин бўлган.***

***Идорада муҳим йиғилиш ўтмоқда. Бошлиқнинг кайфияти жуда ёмон. Ҳамма юрак ҳовучлаб турибди. Шунда эшик тақиллаб қолди-да, остонада котиба қиз пайдо бўлди.***

-Нима гап, тинчликми? – раҳбарнинг қошлари янада чимирилиб кетди.

-Бир аёл сизни сўраяпти, - қўрқа-писа деди котиба.

-Ахир сенга мажлис пайтида ҳеч кимни қабул қилмайман, демаганмидим. Нега бизни безовта қиласан?

-Айтгандингиз, - ер чизиб қолди қиз, - лекин...

-Нима лекин, чайналмай гапира қол.

-Қабулхонадаги аёл, - деди эшитилар-эшитилмас оҳангда котиба, - сиз билан бирга ухлаган экан.

-Нима?..

Бошлиқ бирдан қизариб кетди. Анча вақт тили калимага келмай ғўлдираб қолди. Сўнгра таваккал қилишга аҳд қилди чоғи, "майли, кирсин" дея ўрнига ўтирди. Котиба хонага бир зумда истараси иссиққина аёлни бошлаб кирди. Аёл сўзга чечангина экан. Салом-аликдан сўнг муддаога ўтди:

-Мени танимадингиз шекилли, биз бир пайтлар бирга ухлардик.

-Туҳмат қилманг, синглим, мен бола-чақали одамман, - деёлди бошлиқ бошини хам қилганча.

-Йўқ, йўқ, мени нотўғри тушундингиз, - жилмайиб сўзлай кетди жувон. - Мен ҳам сиз каби бир пайтлар депутат бўлгандим. Ўшанда залда бирга ухлаганмиз.

Бошлиқ аввал нималар бўлаётганлигини тушуниб етмади, сўнгра аёл айтган гапнинг мағзини "чақди" шекилли, хандон отиб кула бошлади. Бошқалар ҳам бошлиққа қўшилиб роса мириқиб кулишди. Хуллас, шу кунги дилхиралик билан бошланган мажлис хурсандчилик билан тугади.

**Фахриддин КАЛОНОВ**

## "БЕЗОРИ"ЛАР

***Почтачи ташлаб кетган чақирув қоғозини қайта-қайта ўқисам-да, аммо унинг маъносини тушуниб етолмасдим. "Фуқаро К.Исомиддинов палон вақтда тергов ишларида қатнашиш учун туман прокуратурасига етиб келиши шарт. Катта терговчи Алибеков". Шу.***

Аммо, терговга чақирилган Камолиддин Исомиддинов (яъни, менинг амаким) саксон олти ёшда бўлсалар. Ҳойнаҳой, бу ерда англашилмовчилик бўлган... Ич-ичимдан тошиб келаётган кулгини аранг босиб, амаким ўтирган хонага кирдим. У киши аллақандай эскича имлодаги китобни мутолаа қилаётган эканлар.

-Ҳорманг, амаки, - дедим кулиб юбормаслик учун лабимни маҳкам қимтиб. – Соғлиқларингиз яхшими?

-Кел, болам, қани ўтир, - дедилар амаким ёнидан жой кўрсатиб.

-Ҳеч тинч юрмаскансиз-да, а, амаки? – дедим мен энди баралла кулиб. – Нега прокуратурадагиларни қийнаяпсиз?

Камол амаким ҳеч нарсага тушунмай, анграйганча менга тикилиб қолди. Мен кула-кула хатни ўқиб бердим.

-Э, ҳа-а, - дедилар амаким чўзиб. – Ярамас Чори арз қилгандир-ов...

-Нега? Ким у Чори? – дедим амакимнинг бамайлихотир кулимсираб ўтиришларидан ҳайратланиб.

-Тунов куни Султон тоғанг билан чойхонада ўтирувдик... Чори Султон деган мергантепалик мишиқи бола билан тортишиб қопти. Бир вақт қарасам, Чори Султоннинг ёқасига ёпишволган, ўдағайлаяпти. "Ҳе, энангни..." дедим-у, шартта бориб битта мушт қўйдим. Ўшанда тиши синган экан... Ярамас, мелисага арз қипти-я...

Амакимнинг бу гапларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, оғзим очилиб қолди. Белгиланган куни эса прокуратурага шахсан ўзим бордим. Ё тавба, амаким "мергантепалик Чори деган мишиқи бола...", дея таърифлаган киши ҳам саксонни қоралаб қолган бобой экан. Энг кулгилиси, амаким бечора бобонинг охирги тишини "қоқиб" олибди. Уларнинг "жанги"ни хаёлан тасаввур қилиб, "оббо, "безори" отахонлар-ей", деб юбордим.

## РАИС ҚАНИ?

***Олдинги раҳбарлар ишдан кўра кўпроқ мажлисни ёқтиришарди. Бемалол кунда бўлса хўп-хўп, аммо қўли қадоқ деҳқоннинг пешона тери ҳосиласини йиғиб олиш пайтидаги "шошилинч" мажлисларни айтмайсизми... Бай-бай, уларнинг на аниқ вақти, на саноғи бўларди.***

Ярим кечаси уйингда телефон жиринглайди. "Тез райкомга етиб келинг. Бюро йиғилиши ўтказилади". Мавсум бошидан буён етиштирилган ҳосил тўғрисидаги ҳужжатларни бир уюм қилиб папкага тиқасан-у, уйқунинг чаласини давом эттириш учун райкомга шошасан. Фақат, мажлис пайти хуррак отиб юбормасанг бўлгани...

Шодиқул раис бунақанги "югур-югур"лардан зада бўлиб, қандай йиғилиш бўлмасин, ўрнига ўринбосарини жўнатадиган бўлди. "Биров сўраса, бетоб дейсиз, тушундингизми, керак бўлса, менинг номимдан гапирасиз, тамом...". Йўқ, ҳайтовур ҳеч ким индамади. Раис қарасаки, ўринбосарнинг бўлиши жоннинг ҳузури экан. Энди кечалари ҳам тинч ухлайди. Нима бўлмасин, бечора ўринбосар балогардон. Мақтов эшитиб, кериладиган ҳам у, пўстаги қоқилиб, бўйнини қисиб қоладиған ҳам у. Шундай қилиб, орадан бир йилча ўтди. Бу орада районнинг каттаси ўзгарди. Лекин тартиб ўзгармади. Ўша-ўша мажлисбозлик, туни билан "сводка" бериб чиқиш...

Нимаям бўлди-ю, ўринбосар бир мажлисга боролмаслигини айтди. "Соғлиқни асранг, соғлиқни", дея унинг елкасига беозоргина шапатилаб йўлга чиққан раис бува райкомга етгунча тўнғиллаб, кимларнингдир "гўрига ғишт қалаб" борди. Туман марказига яқинлашганда эса, "ҳай, майли, янги райком бованиям бир зиёрат қилсак-қилибмиз-да...", деб ўзини ўзи овутди.

Мажлис бошланди. Янги райком анча баджаҳл экан, раисларни "обориб-обкелади". Гапира-гапира, тўсатдан Шодиқул раисга "ташланиб" қолди:

-Раисингиз қани?

-Раис... мен...

-Шоди Қаҳҳоров нега кўринмайди?! Ўртоқлар, бюро йиғилиши сизга маймун ўйнатишми? Кеча "Сверлов"нинг раиси ўринбосарини жўнатган экан, бугун мана "Ғалаба"да ҳам шу аҳвол... Нега келмади раис?

"Оббо", деб ўйланди Шодиқул раис пешонаси тиришиб. Ўринбосарим ўзини Шоди Қаҳҳорович, деб таништирган экан-да. Ундан чиқди, мен Шодиқул раис эмас, Маҳкам зампредман. Лекин...

Эртаси куни раис райкомнинг ҳузурига кириб, вазиятни тушунтирди. Янги райком аввалига роса кулди, кейин... "ўз вазифасига совуққонлик билан қарагани учун" Шодиқул раисга қаттиқ ҳайфсан берилди.

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

## МАҲАЛЛА ОБОДОНЛИГИ УЧУН

***АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст Наманган шаҳридаги "Мустақилликнинг 5 йиллиги" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, аҳолига табиий газ етказиб бериш бўйича АҚШ ҳукумати молиялаштираётган лойиҳанинг очилиш маросимида иштирок этди.***

Ушбу лойиҳа АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги (USAID)нинг ҳамжамиятни сафарбар этиш ва инфратузилмани яхшилаш дастури (CAIP)нинг бир қисми бўлиб, у Меҳрибонлик корпуси томонидан Фарғона водийсида амалга оширилмоқда.

**ИНТИЛИШ**

"Мустақилликнинг 5 йиллиги" маҳалласининг барпо этилганига кўп бўлгани йўқ. Яқинда бу ерга шаҳар марказидан 125 оила кўчиб чиқди. Маҳалла аҳли кейинги 4 ой ичида маҳалланинг устувор эҳтиёжларини аниқлаш, ишчи гуруҳи тузиш, газлаштириш икки босқичли лойиҳасининг биринчи босқичини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш юзасидан CAIP билан ҳамкорликда иш олиб борди.

Биринчи босқич бўйича 866 метр узунликда газ қувури тортилиб, битта кўчада жойлашган уйлар асосий газ қувурига уланди. Лойиҳанинг иккала босқичи ҳам амалга ошгач, маҳалла табиий газ билан тўлиқ таъминланади.

Бу CAIPнинг Наманганда ниҳоясига етказилган биринчи лойиҳасидир. "Мустақилликнинг 5 йиллиги" маҳалласидаги газ етказиб бериш бўйича бошланғич лойиҳа маҳаланинг ичимлик сув, мактаб қурилиши ва йўлларни таъмирлаш эҳтиёжини қондириш учун таклиф қилинган бир нечта лойиҳани ўз ичига олади.

Жон Хёрбст жаноблари Наманган шаҳридаги "Таянч" кредит уюшмасига ҳам ташриф буюрди. АҚШ ҳукумати ҳамда Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) томонидан молиялаштирилаётган лойиҳа билан танишди. Кредит уюшмаларини омонат ва кредит хизматлари кўрсатишини қўллаб-қувватлаш АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) ва ОТБ томонидан - жаҳон кредит уюшмалари кенгаши (WOCCU) билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Ўтган йили апрелда "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган. USAID Наманган, Самарқанд, Бухоро, Жиззах ва Навоий шаҳарларидаги кредит уюшмаларига молиявий мадад кўрсатаётир. "Таянч" кредит уюшмаси 2002 йилнинг ноябр ойида рўйхатга олинган ва ҳозирги кунда Ўзбекистондаги энг йирик кредит уюшмаларидан бири бўлиб, унинг аъзолари 1200 нафардан зиёддир. Ҳозиргача "Таянч" 13 миллион сўмдан ортиқ кредит берди ва уч миллион сўмдан зиёд омонатни қабул қилди.

*"Туркистон-пресс"*




## НОН - УЛУҒ НЕЪМАТ!

**Аҳолига сифатли маҳсулот етказиб беришда Гулистон шаҳридаги "Иссиқ нон" хусусий корхонасининг алоҳида ўрни бор. Айни дамда бу ерда 18 хилдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.**

**-Нон ва қандолат маҳсулотлари сифатини янада яхшилаш асосий мақсадимиз, - дейди хусусий корхона раҳбари Бахтиёр Жабборов. – Негаки, сифатли ва арзон маҳсулотгина рақобатга бардош беради. Бу эса корхонамиз фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади.**

**СУРАТДА: ишчи Эльмар Аблякимов.**

Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

## ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

### "ИЛ-86" ҲАЛОКАТИ

***Маҳаллий Зоҳидон – Кермон йўналиши бўйича парвоз қилган ҳарбий самолёт Эрон жанубида ҳалокатга учрагани боис, унинг бортидаги 302 кишининг барчаси ҳалок бўлди.***



IRNA агентлигининг билдиришича, Эрондаги ислом режимининг таянчи бўлган Революцион гвардиянинг юқори мартабали вакилларини олиб кетаётган "Ил-86" самолёти Покистон билан чегарадош ҳудудида ерга қулаб тушган. Фожиа тафсилотларини ўрганаётган мутахассисларнинг фикрича, ҳалокатга об-ҳавонинг ёмонлиги ва кучли шамол эсганлиги сабаб бўлиши мумкин. Ҳалок бўлган 284 нафар Революцион гвардия хизматчилари ва 18 кишилик экипаж аъзоларининг яқинларига Эрон ҳукумати ўз ҳамдардлигини билдирди. Эрондаги энг сўнгги авиаҳалокат 2002 йилнинг 23 декабрида "Ан-140" Украина самолёти билан боғлиқ бўлиб, ўшанда 46 киши ҳаётдан кўз юмган эди.

### ХОРИЖЛИКЛАР ИРОҚНИ ТАРК ЭТИШМОҚДА

***Форс кўрфазидаги вазият кескинлиги ҳамда террор актларининг амалга ошиши эҳтимоли ортаётганлиги боис, Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги Ироқда турган ўз фуқароларини дарҳол мамлакатдан чиқиб кетишларини сўраган.***



Чунки Британия ҳукумати 1990-91 йиллардаги инқироз вақтида ўз фуқароларининг Ироқ томонидан гаровга олинганлигини ҳали эсидан чиқаргани йўқ. Шунингдек, расмий Лондон айни пайтда фуқароларига Исроил ҳамда Фаластинга бормасликларини ҳам тавсия қилган.

Бундан ташқари, бугунги ҳолатдан хавотирга тушган Россия, Таиланд, Франция, Украина, Португалия, Жанубий Корея давлатлари ҳам ўз фуқароларини Ироқдан чақириб олишмоқда.

### ШВЕЙЦАРИЯ РОЗИЛИК БЕРМАДИ

***Швейцария ҳукумати эҳтимолли дея айтилаётган Ироқ урушида ҳаво ҳудудларидан фойдаланиш учун сўраб мурожаат қилган АҚШнинг илтимосини рад этди.***



1993 йилдан буён ўзини нейтрал, дея эълон қилган Швейцария фақат БМТ доирасида парвоз қилувчи самолётларга ўзининг ҳаво дарвозалари очилишини маълум қилган. Аммо, БМТ розилигисиз АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан амалга оширилиши кутилаётган ҳарбий операциялар учун рухсат берилмайди.

### "АБУ САЙЁФ"ДА КАТТА ЙЎҚОТИШ

***Филиппин ҳукуматининг билдиришича, "Абу Сайёф" террорчи ташкилоти раҳбари Мужиб Сусукан ҳалок бўлди.***

Маълум бўлишича, Холо оролидаги Талипао шаҳри атрофида ҳукумат қўшинлари ва исёнчилар ўртасида бўлиб ўтган қуролли тўқнашувда Сусукан жиддий жароҳат олгач, унинг одамлари ўз бошлиқларини яширишган ва унга тиббий ёрдам кўрсатишган. Аммо, жароҳати оғирлиги боис, у ҳаётдан кўз юмган. Ундан аввал эса Филиппин давлати Мужиб Сусуканни ҳибсга олишда ёрдам берган кишига 100 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот берилишини эълон қилган эди. Ҳозир эса ҳукумат яқин кунларда Холо оролига етиб келадиган америкалик инструкторлар билан биргаликда "Абу Сайёф"нинг қолдиқларини батамом тугатиш операциясига тайёргарлик кўрмоқда.



**ИНТЕРНЕТ тармоғидан олинди.**

## МИЛЛИОНЕР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

**(Боши 1-бетда)**

Одамлар хаёлидан ўтказаётган маблағларни махсус ўлчагичда ўлчайдиган бўлсак, Швейцария банкларида сақланаётган пуллар ҳеч нарса бўлмаса керак, деб ўйлайман шу тобда. Ҳайрият, орзиқиб кутилган дамларга ҳам етдик. Дарвоза қанотлари очилди.

Кўп ўтмай нозиккина бир қиз минбарга кўтарилди. Ҳамма бехосдан қарсак чалиб юборди.

-Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар! Компаниямизнинг бўлғуси аъзолари! Мана бугун Америкада энг маълум ва машҳур компаниямизнинг Ўрта Осиё давлатларидаги филиали иш бошлаганига ҳам 5 йил тўлди. Биз бундай оз муддатдан соз фойдаланиб, "Гербалайф" малҳамларидан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада даромад қилдик. Ҳозир сўзни компаниямизнинг Ўрта Осиё филиали диреткори Антон Павловга берсак. Қани, муҳтарам зотни қарсаклар билан олқишлаб кутиб олайлик!

Қарсаклар зарбидан деворлар титраб кетди. Бир маҳал паканагина, тепакал киши қулочини ёзганча, кириб келди. Бир неча бор залда ўтирганларга ҳурмат юзасидан таъзим бажо келтирди. Компаниясининг келажаги, бугуни ва эртаси ҳақида оғзидан бол томиб, тўлқинланиб гапирди. Рост, бундай нотиқни биринчи бор кўришим. Қизлардан бири ликопчада "Гербалайф" малҳамини келтирди. Бундай малҳам жаннатда ҳам топилмаслигига ҳамма иқрор бўлди.

Хуллас, гапнинг индаллоси, шу малҳамни сотиш керак экан. Чунки бу малҳам озғинни – семиз, семизни – озғин қиларкан. Қаранг-а, одамлар нималарни ўйлаб топишмайди?! Ўйлаб қолдим: бу дорининг шунчалик кароматй бор экан, ферма мудирларига бер. Қишдан зўрға чиқаётган молларига едирсин, зора семириб, гўшт маҳсулдорлигини оширса.

Компания директори малҳамдан икки чой қошиқ, э, бор-е, деб уч чой қошиқ ютиб юборди. Одамларга бу дорининг безарарлигини исботлаш ҳам керак-да. Энди томошанинг иккинчи қисми бошланди. Шу компанияда "ишлаб" даромад қилганлар гапира бошлашди.

-Бир ойда 550 минг сўм ишладим!

-Мен 800 минг!

-600... 500...

Хуллас, "миллионер"лар турнақатор бўлишди. Ҳамма хурсанд...

Биз секингина Николай Николаевичга яқинлашдик. Николай Николаевич хуш кайфиятда қарши олди. Тоғажиян юмшоқ курсиларга ўтирдик. Николай Николаевич бизнинг яшаш шароитимиз, келиб чиқишимиз, даромадимиз ҳақида савол-жавоб қилгач, яна "Гербалайф"нинг инсон ҳаётида қанчалик муҳимлиги, унинг кетидан, ҳатто ойга учиб қаср қуриш мумкинлиги тўғрисида ҳам терга ботиб сўзлаб бера бошлади. Жияннинг пастки жағи ҳайратдан тиззасигача тушиб кетди. Николай Николаевич пайтдан фойдаланиб, "атака"га ўтди. Шу тобда 300 АҚШ доллари тўлаб "Гербалайф"дан маълум миқдорда олишимизни таклиф қилди. Жияннинг жағлари ўз ўрнига келди.

-300 доллар?! Бундай пулни қаердан топаман?

Николай Николаевич ҳам бўш келмади.

-Миллионер бўлишни истасанг, топасан-да, ука? – ўрис ўзбекча гапириб юборди-я!

Шундай қилиб, жияним вазиятни ўзича мушоҳада қилиб кўрди. Иккимиз ҳам то уйга боргунча лом-мим демадик. Автобусдан тушарканмиз киоскадан "Тошкент ҳафтаномаси"ни сотиб олдим. "Иш" деган саҳифасини очиб, жиянимга кўрсатаман.

-Жиян, хафа бўлма, мана "Тянши" деган бизнес ҳам чиқибди. Бир бориб кўрмаймизми?

-Раҳмат. Бундай пул топгандан кўра, гўнг титган минг маротаба маъқул...

Бу гапларга ҳам унча кўп бўлмади. Ҳозир жияним фермерлик қилаяпти. Ҳали миллионер бўлмаган эса-да, ҳар қалай даромади ёмон эмас. Ҳар гал борганимда "тоға, миллионер бўлишни хоҳлайсизми", дея ҳазил қилади. Кулишамиз. Ҳолбуки...

**Шароф СУЛТОНОВ,**
**журналист.**

## СОЛИҚЧИНИНГ ХАТОСИ

**(Боши 1-бетда)**

Хўжалик югур-югурлар билан темир йўл, вагон "ташвиш"ларини бир ёқлик қилиб шартномадаги 100 тонна узумни чиритмай-иритмай 2000 йилнинг 10 октябр куни 500-сонли ҳисоб фактураси билан 69-сонли ишонч қоғозига асосан кичик корхона директори В.А.Поповга топширади.

Аммо Попов деганлари шартнома мажбуриятларини бажаришни пайсалга солади. Узум эвазига жўнатиши керак бўлган маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермай, "ана-мана" деб кунларни, кунлар кетидан ойларни, ҳатто йилларни ўтказиб юборади.

Бу орадаги Наманган билан Брест орасидаги зир-зир қатнашлар, телефон қўнғироқлари, катта-кичик идораларга ёзма-оғзаки мурожаатларга тўхталадиган бўлсак, қимматли вақтингизни олиб қўямиз. Ва ниҳоят, Ўзбекистон ва Беларусь Республикалари ваколатли органларининг аралашуви билан 2002 йил май ойида хўжаликка маҳсулот етказиб берилади.

"Ҳеч бўлмагандан кеч бўлса-да маҳсулотни олишибди-ку!" дейишга ошиқманг, азиз ўқувчи. Қизиғи мана энди келяпти.

Хуллас, "Шарқ юлдузи" билан "Маяк" орасида "ёзишув"лар давом этаётган, маҳсулотнинг етиб келиши кечиккандан-кечикаётган кунларнинг бирида – 2002 йилнинг 30 январ куни хўжаликка Косонсой туман Давлат солиқ инспекциясининг юридик шахслар тўловларининг бюджетга тушумини назорат ва таҳлил қилиш бўлими назорат шўъбаси инспектори Р.Йўлдошев ташриф буюради. Ва шу куннинг ўзида хўжалик молиявий ҳужжатларини "кўтариб", "Текшириш натижаси бўйича ширкат хўжалигига Вазирлар Маҳкамасининг 245-сонли қарори 4-бандига асосан жўнатилган маҳсулотлар эвазига белгиланган муддатда валюта тушумини ёки эвазига маҳсулот олиб келинишини таъминламагани учун 48000 АҚШ долларининг 30 январ 2002 йилдаги валюта курсига нисбатан эквиваленти бўйича 33 миллион 269,8 минг сўм миқдорида жарима қўллаш лозим"лиги ҳақида далолатнома ёзади.

Косонсой туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари К.Саматов эса зудлик билан – 2002 йилнинг 31 январ куни хўжаликдан 33269,8 минг сўм молиявий жаримани "республика бюджетининг тегишли ҳисоб рақамларига ундириш" ҳақида қарор қабул қилади. Шу куннинг ўзида хўжаликнинг "Пахта Банк"нинг Косонсой бўлимидаги ҳисоб рақамига инкасса топшириқномаси боради.

33 миллион 269,8 минг сўм чакана маблағ эмас!

Айниқса, йилига 3-4 миллион сўм атрофида фойда олиб, аъзоларини амал-тақал қилиб боқиб юрган "Шарқ юлдузи"дек хўжалик учун!

Табиийки, туман Давлат солиқ идорасининг бу "хушхабари" хўжалик раиси Абдуҳаким Худойназаровни ҳам, бошқа раҳбар-мутахассисларнинг ҳам эсхонасини чиқариб юбораёзади!

Бу содда қилиб айтганда, чумолини ариқ қазишга жалб қилгандек бир гап эди. Хўжалик шунча миқдордаги жаримани қандоқ қилиб, қачон тўлайди-ю, бу орада ширкатнинг 500 нафарга яқин аъзосининг тирикчилиги, тақдири не кечади?!

-Шошманглар, - дейди бу "оғриқли" масалага бағишлаб чақирилган йиғилишларнинг бирида хўжалик раиси, солиқ инспекцияси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан валюта туширмаганимиз учун бизга жарима қўллаяпти. Биз эса Вазирлар Маҳкамасининг худди ўша 2000 йил 8 июлдаги 261-сонли "Ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлашмаган тартибда экспорт қилишни кучайтириш тўғрисида"ги қарорига асосан ўзимиз етиштирган маҳсулотни ўзимиз экспорт қиляпмиз. Шартномани валюта тўлови асосида эмас, бартер асосида тузганмиз. Шундай экан, солиқ инспекциясининг "валюта тушуми келиб тушмагани учун" бизга жарима қўллаши жоизмикан? Бу ҳақда ўйлаб кўришимиз, тегишли органларга мурожаат қилишимиз мумкин-ку?!

-Ҳе, барибир солиқчиларнинг айтгани бўлади-да! – деди фаоллардан кимдир.

-Қонун барчага баробар, - деди бунга жавобан хўжалик ҳуқуқшуноси О.Икромов, - раиснинг гапида жон бор...

Яна ёзишмалар бошланди. Олдин юқоридаги ҳар икки қарорнинг мазмун-моҳиятини эътиборга олиб, масалага адолат нуқтаи назаридан ёндошишларини сўраб туман Давлат солиқ инспекциясига мурожаат қилинди. Кейин вилоят солиқ бошқармасига... Ҳар икки идорадан ҳам икки томчи ёшдек бир хил жавоб олинди: "белгиланган жаримани қайтадан кўриб чиқишга етарлича асос йўқ!"

Охирги илинж суддан эди...

Наманган вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари Гулчеҳра Аҳмедова раислигида ўтган очиқ суд мажлиси даъвогар Косонсой туманидаги "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалигининг жавобгар Косонсой туман Давлат солиқ инспекциясига шу инспекциянинг 2002 йил 30 январдаги далолатномаси ва 2002 йил 31 январдаги молиявий жазо чораларини қўллаш ҳақидаги қарорини ноқонуний деб топиш ҳақидаги даъво аризасини ҳар икки томон вакиллари иштирокида кўриб чиқди.

Хўжалик суди икки томонлама шартномада валюта тушуми ҳақида келишилмаганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг 245-сонли қарорида "маҳсулот қайта киритилишини кечиктирилганлиги учун молиявий жарима кўзда тутилмаганини" ҳамда ширкат хўжалиги республика ҳукуматининг 261-сонли қарорига асосан валюта тушумидан озод қилинганлиги, хўжаликнинг бартер асосида экспорт қилишига рухсат этилганлиги боис туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан асоссиз равишда қарор чиқарганини таъкидлади ва даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилди.

-Рости, икки йил мобайнида хўжалик, унинг аъзолари тақдирини ўйлаб игнанинг устида ётиб турдим, ҳаловат нима билмадим, -дейди ширкат хўжалиги раиси Абдуҳаким Худойназаров, - Гулчеҳрахон суд қарорини ўқиганда эса кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Қуёш барчага баробар бўлганидек, қонун ҳам барчага баробар эканлигига яна бир карра имоним комил бўлди!

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

